



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 14 » oktabr

№ 598

Toshkent sh.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат органлари ва ташкилотлари идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат корхоналари ва муассасалари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) идоравий қоровуллик бўлинмаларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш ҳамда уларга кўмаклашиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқ қуидагиларни назарда тутувчи **Давлат органлари ва ташкилотлари идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар юзасидан ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларини хабардор қилиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий қоровуллик бўлинмалари томонидан кўриқланадиган обьектларда жиноят, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар, шубҳа уйғотувчи, қидирудаги шахслар ва юзага келган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, жамоат хавфсизлигига таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган ўзга ҳолатлар тўғрисида худудий ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси **бўлинмаларига тезкор хабар бериш тартиби**, шунингдек қоровуллик бўлинмалари ходимлари билан ушбу **масалаларга** оид **йўриқномавий машғулотларни ўтказишининг** умумий қоидлари;

худудий ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг хабар берган давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий қоровуллик бўлинмалари билан **ҳодиса жойида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолияти**;

ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия бўлинмалари томонидан идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ҳукуқбузарлик ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлари бўйича тезкор чоралар кўриш тартиби;

ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари фаолиятига қўмаклашиш ва яқиндан ёрдам кўрсатиш бўйича вазифаларни бажаришда ўrnak кўрсатган идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш.

2. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардияси билан биргаликда:

бир ой муддатда ўз таркибидаги идоравий қўриқлаш бўлинмаларида мазкур қарорнинг мақсадини, моҳиятини, амалий аҳамияти ва ижро этиш тартиби юзасидан тушунтириш ишларини ташкиллаштиrsин;

жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноят ва бошқа ҳукуқбузарликларни содир этган шахсларни аниқлашда, ўзига юклатилган бошқа вазифаларни бажаришда ўrnak кўрсатган давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларини рағбатлантириб бориш чораларини кўриб борсин;

жорий этилаётган тартибнинг самарадорлиги юзасидан тизимли мониторингни амалга ошириб борсин ва қарор талаблари бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** ўzlари қабул қилган норматив-ҳукукий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ҳамда Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 14 октябрдаги 598-сон қарорига
илюва

**Давлат органлари ва ташкилотлари
идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар
юзасидан ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси бўлинмаларини хабардор қилиш
ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ҳақида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат корхоналари ва муассасалари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) идоравий қоровуллик бўлинмалари томонидан кўриқланадиган обьектларда содир этилган жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар, шубҳа уйғотувчи ва қидирудаги шахслар, юзага келган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, жамоат хавфсизлигига таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган ўзга ҳолатлар (кейинги ўринларда – ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар) юзасидан ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларини (кейинги ўринларда – Миллий гвардия бўлинмалари) хабардор қилиш ҳамда улар бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу низом қоидалари идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик ҳамда идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш фаолиятига, шунингдек маҳсус юкларни транспортда ташиш жараёнига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

идоравий қоровуллик бўлинмалари – давлат органлари ва ташкилотларининг ўз обьектларини қўриқлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган таркибий бўлинмаси ёки алоҳида ходими;

кўриқланадиган обьект – белгиланган тартибда қўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг худудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа молмулки, шунингдек жисмоний шахс.

4. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларининг иш жойида ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар ҳақидаги дарҳол хабар берилиши лозим бўлган профилактика инспекторлари, худудий ички ишлар органларининг ва Миллий гвардия бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари, шунингдек патруллик йўналишлари обьект атрофидан ўтадиган ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ва Миллий гвардия бўлинмалари нарядларининг рўйхати ҳамда улар билан ахборот алмашинувини таъминлаш тартиби белгиланган бўлиши керак.

5. Маҳалла ҳуқук-тартибот масканида ушбу масканнинг жавобгарлиги худудида жойлашган қўриқланадиган обьектлар ва идоравий қоровуллик бўлинмалар, уларнинг асосий тавсифлари (манзили, обьект ва қоровуллик бўлинмаси раҳбарлари, мулоқот телефонлари, идоравий қоровуллик бўлинмаси ходимларининг сони, уларнинг иш режими, бир суткада смена давомийлиги, бошланиш ва тугалланиш вақтлари) акс эттирилади.

Ушбу маълумотлар ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари томонидан идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимлари билан йўриқномавий машғулотларни ўтказишида, шунингдек, патруллик йўналишларини белгилашда ва худуддаги тезкор вазиятни назорат қилишида фойдаланади ҳамда зарурат билан уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади.

2-боб. Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ҳуқукбузарлик ва ҳодисалар ҳақида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларини хабардор қилиш ҳамда улар бўйича тезкор таъсири ўтказиш тартиби

1-§. Идоравий қоровуллик бўлинмалари томонидан ҳуқукбузарлик ва ҳодисалар юзасидан ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия бўлинмаларини хабардор қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш

6. Қўриқланадиган обьектларда жиноятлар, бошқа ҳуқукбузарликлар, жиноят содир этишда гумон қилинаётган, қидирудаги, шубҳали шахслар (биринчи навбатда ўзини ўта сергаклиги ёки безовталиги билан шубҳа уйғотган, йил фаслига мос бўлмаган ёки бўй-бастига нолойик кийимда бўлган, шунингдек танасида боғланган жойи ва жароҳати бўлганлар) ва буюмлар, шунингдек, ёнгинлар, авариялар, ҳалокатлар, хавфли табиий ҳодисалар, бошқа табиий ва техноген оғатлар, мазкур жойга ҳос бўлмаган тутунлар, ҳидлар, алангалар ва шовқинлар пайдо бўлиши, жамоат хавфсизлигига таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган ўзга ҳолатлар аниқланганда идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимлари:

дарҳол ҳудудий ички ишлар органининг навбатчилик қисмига хабар беради;

ички ишлар органлари ходимлари ёки Миллий гвардия бўлинмалари ҳарбий хизматчилари (ходимлари) етиб келгунга қадар ҳуқукбузарлик ва ҳодисаларнинг излари сақланиши таъминлайди, ҳодиса жойига бошқа шахсларни қўймаслик чораларини кўради;

ҳодиса жойига етиб келган ички ишлар органи ходимларига ёки Миллий гвардия бўлинмалари ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) ҳуқукбузарлик ва ҳодисаларнинг ўзига маълум бўлган ҳолатлари ва важлари, уларни содир этган ёки сабаб бўлган шахслар юзасидан ахборот беради, ҳуқубузарлик ва ҳодисаларнинг алломатларига аниқлик киритишига ва уларни расмийлаштиришга кўмаклашади;

табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этади, одамларни күтқариш ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда авария-күтқарув хизматларига зарурый амалий ёрдам кўрсатади;

хизматга доир ахборотнинг, шунингдек, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сакланишини таъминлайди.

7. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимлари томонидан ҳуқубузарлик ва ҳодисалар ҳақида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларига телефон орқали хабар берилади.

Телефон алоқаси мавжуд бўлмаган ёки у ишламаган ҳолларда ҳуқубузарлик ва ҳодисалар ҳақида хабар алоқанинг бошқа турлари орқали, шу жумладан хуштакдан қуидаги сигналлардан фойдаланиш йўли билан берилиши мумкин:

“Ушла” – битта узун сигнал;

“Ёрдамга” – иккита қисқа сигнал.

Зарурат бўлганда сигналлар қайтарилади.

2-§. Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари томонидан идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлари бўйича тезкор таъсири ўтказиши

8. Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг хабарига асосан ҳудудий ички ишлар органининг навбатчилик қисми ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар содир этилган ҳудуд (жой) ва бошқа тафсилотларига аниқлик киритади ҳамда улардан келиб чиқиб, зудлик билан ҳодиса жойига профилактика инспекторини жўнатади ва (ёки) хабарни ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг, йўл-патруль хизмати ёки Миллий гвардия бўлинмасининг навбатчилик қисмiga йўллайди.

9. Келиб тушган хабар бўйича ҳодиса жойига етиб келган ички ишлар органлари ходимларининг ва (ёки) Миллий гвардия бўлинмалари ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ҳаракатлари ва идоравий қоровуллик бўлинмалари билан ҳамкорликдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардиясининг идоравий ҳуқуқий хужжатлари билан тартибга солинади.

3-боб. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимлари билан ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларини ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича йўриқномавий машғулотларни ўтказиши

10. Профилактика инспектори томонидан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг жавобгарлиги ҳудудида жойлашган қўриқланадиган объектлар идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ходимлари билан жадвалга

мувофиқ ҳар чорақда ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар юзасидан ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларини хабардор қилиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби бўйича йўриқномавий машғулотлар ўтказилади.

Йўриқномавий машғулотларни ўтказиш жадвали ва машғулотлар дастури профилактика инспектори томонидан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг жавобгарлиги худудида жойлашган қўриқланадиган объектлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланади.

11. Йўриқномавий машғулотлар туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси бошлиғи ва худудий профилактика инспектори, қўриқланадиган объектлар Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида жойлашганда эса, Миллий гвардия бўлинмасининг раҳбари томонидан биргаликда ўтказилади.

12. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимлари билан йўриқномавий машғулотлар куйидаги масалалар бўйича ўтказилади:

туман (шаҳар) ва айниқса маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани жавобгарлиги худудида шаклланаётган тезкор вазият, қўриқланадиган объектлар атрофида жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганда, жиноятлар содир этишда гумон қилинаётган, қидирудаги, бедарак йўқолган, бошқа шубҳали шахслар, турли фавқулодда ва бошқа ноодатий вазиятлар, шунингдек мазкур жойга ҳос бўлмаган тутунлар, ҳидлар, алангалар ва шовқинлар пайдо бўлганда, хавф туғдириши мумкин бўлган шубҳали буюмлар аниқланганда, қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализациялари ҳаракатга келганда вазифалари ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлари;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, худудий ички ишлар органларининг патруль-пост, йўл-патруль ва Миллий гвардия бўлинмаларининг патруллик нарядлари ҳуқуқбузарлик ва ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, улар билан ахборот алмашинувини таъминлаш, ҳамкорлик қилиш тартиби ва усуллари.

13. Йўриқномавий машғулотлар ўтказилгунга қадар жавобгарлик худудида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар, шунингдек маъмурий жиҳатдан чегарадош бўлган ҳудудлардаги вазият юзасидан зарур бўлган маълумотлар етказилади.

14. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимлари билан йўриқномавий машғулотлар профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари, “Жамоатчилик назорати масканлари” аъзолари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тадбирларига жалб этилган бошқа жамоатчилик кучлари иштирокида ўтказилиши тавсия этилади.

15. Профилактика инспектори томонидан маҳалла хуқуқ-тартибот масканининг жавобгарлиги ҳудудида жойлашган идоравий қоровуллик бўлинмаларига туман (шахар) ҳудудида очилмаган жиноятлар, уларни содир этишда гумон қилинаётган, қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар, уларнинг умумий ва алоҳида белгилари (мавжуд бўлса – фотосуратлари) ҳақидаги маълумот етказиб борилади ва ҳар ҳафта янгилаб борилади.

4-боб. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш

16. Берилган хабарлари жиноят ва бошқа хуқуқбузарликларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни аниқлашда, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни бартараф этишда муҳим ўрин эгаллаган, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари фаолиятига қўмаклашиш ва яқиндан ёрдам кўрсатиш бўйича вазифаларни бажаришда ўrnak кўрсатган давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларига бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш моддий рағбатлантириш чоралари кўлланилиши мумкин.

17. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш чоралари давлат органлари ва ташкилотларининг, ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, тегишлигича давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан амалга оширилади.

Идоравий қоровуллик бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш давлат органлари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилганда шу ташкилот раҳбарининг буйруғи чиқарилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

